

Захириддин Мухаммад Бобур Ўрта аср Шарк маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда хамдир. Бобур кенг дунёкараши ва мукамал акл-заковати билан Хиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи колган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жахоннинг машхур тарихнавис олимлари каторидан хам жой олди. Унинг нафис газал ва рубоийлари туркий шеърлятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатги Бобурий», «Харб иши», Аруз хакидаги рисоалари эса ислом конуншунослиги, шеърлят ва тил назарляси сохаларига муносиб хисса бўлиб кўшилди.

Захириддин Мухаммад Бобур 1483 йилнинг 14 феврилида Андижонда, Фаргона улусининг хокими Умар Шайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бу даврда Марказий Осиё ва Хуросонда турли хокимлар, ака-укалар, тога-жиянлар, амакиваччалар ўртасида хокимлят — улуг боболари Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик килиш учун кураш нихоят кескинлашган эди.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр кўйган Захириддин, барча Темурий шахзодалар каби бу илмларнинг асосини отаси саройида, етук устозлар рахбарлигида эгаллади. Бирок унинг беташвиш ёшлиги узокка чўзилмади. 1494 йили отадан етим колди. 12 ёшида отаси ўрнига Фаргона улусининг хокими этиб кўтарилган Бобур каламни киличга алмаштириб, Андижон тахти учун укаси Жахонгир Мирзо, амакиси Султон Ахмад Мирзо, тогаси Султон Махмудхон ва бошка ракибларга карши курашишга мажбур бўлди. Бобур укаси Жахонгир Мирзо билан муроасага келиш учун унга ён беришга — Фаргона улусини иккига таксимлаб, ярмини укасига топширишга карор килда ва ўзи Самарканд учун олиб болилаётган ку-рашга киришиб кетди. Бир неча йил давом этган бу кураш киргин-баротдан бошка бирор натижа бермади: унда катта харбий куч билан аралашган Шайбонийхоннинг кўли баланд келди ва Бобур Самаркандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1504 йили Шайбонийхон Андижонни хам кўлга киритгандан сўнг, Бобур жанубга караб йўл олди ва Кобул улусида ўз хокимлятини ўрнатди. 1505-1515 йилларда у Марказий Осиёга кайтишга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо бу уринишлардан хеч кандай натижа чикмади. Сўнг ўз мавкеини янада мустахамлаш максатида, 1519-1525 йиллар давомида Хиндистонни кўлга киритиш учун бир неча бор жанглар олиб борди. 1526 йил апрел ойида Панипатда Хиндистон султони Иброхим Лўди билан ва 1527 йили март ойида Читора хокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг кўли баланд келди. Тарихий маълумотларнинг баён килишича, Бобурнинг Хиндистонга юришида Дехли хукмдори Иброхим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб хокимлари хам Бобурни кўллаганлар ва Сикри жангидаги бу галаба Бобурга Хиндистонда ўз хукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имконлятини берди. Оврўпо тарихчилигида «Буюк мўгуллар» номи билан «галлати машхур» бўлган, аслида «Бобурийлар сулоласи» Хиндистонда 300 йилдан ортик хукмронлик килди.

Бобур бу галабадан кейин узок яшамади — 1530 йил декабр ойида, Агра шахрида вафот этди ва кейинрок унинг васиятига кўра фарзандлари унинг хокими Кобулга олиб келиб

дафн этдилар.

Бирок киска бир вақт ичида Бобур Хиндистонда сиёсий мухитни барқарорлаштириш, Хиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш боғроғлар яратиш ишларига хомийлик килди. Хиндистонни ободонлаштириш, унда хозиргача машхур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар курдириш, айникса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг микёсга ёйилди. Хиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг хукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илгор ва зехни ўткир олимлари, шоирлари, муси-кашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий-рухий мухит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳи гнинг Хиндистон учун ахамияти хакида Жаваҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Хиндистонга келгандан кейин катга силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар хаётга, санъатга, архитектурага тоза хаво бахш этди, маданиятнинг бошка соҳалари эса бир-бирларига тутшиб кетди».

Бобур Хиндистонда катга хажмдаги давлат ишлари билан бир каторда ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди ва юкорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машхур бўлган шох асари «Бобурнома» дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралигида Мовароуннахр, Хуросон, Эрон ва Хиндистон халклари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми — XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми — XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми — XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Хиндистон халклари тарихига бағишланган. «Бобурнома»да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукамал баён қилинар экан, ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иктисодий аҳоли, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарканд, Бухоро, Карши, Шахрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошка шаҳарлар хакида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Газна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Хиндистон хакида маълумотларни учратиш мумкин.

«Бобурнома»ни варақларканмиз, кўз олдимиздан Марказий Осиё, Афғонистон ва Хиндистон халқларига хос бўлган фазилят ва нуксонлар, уларнинг тафаккур оламини кенглиги ва мураккаблиги билан бирга, ўша даврдаги хаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий хаётнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади.

«Бобурнома»да келтирилган бу тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошка тарихий манбалар: Мирхонд, Хондамир, Мухаммад Солих, Биноий, Мухаммад Хайдар, Фаришта, Абул-Фазл Алломий ва бошка тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукамал ёритилган эмас. Муаллиф «Бобурнома»да Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бехзод, Мирзо Улугбек ва бошка алломалар хакида ўзининг энг юкори фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

«Бобурнома» — Мовароуннахр, Хуросон, Хиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири — XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эгирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иктисодий, ижтимоий масалалар, юкорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иктисодий ва савдо муносабатлари, жугрофий мавқеи,

иклими, ўсимлик ва хайвонот дунёси, тоглари, дарёлари, халклари, кабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари — хиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида нихоятда нодир маълумотларни ўзида камраб олган шох асардир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини хайратда қолдириб қолмоқда.

Ўзоқ йиллар давомида Гарб ва Шарқнинг машҳур шарқшунос олимлари «Бобурнома» мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида катта фаолият кўрсатдилар. Масалан, голландиялик олим Витсен, англиялик олимлар Ж. Лейден, В. Эрскин, Р. Колдекот, А. Бевереж, Т. Албот, германиялик Ю. Клайнрат ва А. Кейзер, франциялик Паве де Куртейл, хиндистонлик Мирзо Насриддин Хайдар Ризви, туркиялик Р. Р. Арт ва Н. И. Баюр ва бизнинг давримиздаги франциялик олим Бакке Громон, афғонистонлик олим Абулхай Хабибий, покистонлик олимлар Рашид Ахтар, Надви ва Шох Олам Мавлиёт шулар жумласидандир. «Бобурнома»ни ўрганиш соҳасида жаҳоннинг машҳур шарқшунослари каторидан япониялик олимлар ҳам жой олмоқдалар.

Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистон, Тожикистон, Россия олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. XIX-XX асрлар давомида Георг Кер, Н. Ильминский, О. Сенковский, М. Салье, Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев, В. Зоҳидов, Я. Гуломов, Р. Набиев, С. Азимжонова, А. Каюмов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Бобурнома» бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, уларга сўзбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди.

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт нихоят мураккаблашган феодал гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инқирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини «Бобурнома»да кўрган бўлсак, шоир руҳиятида қандай акс этгани эса, унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги қайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалик ўз юртини тарқ этиб, Афғонистон ва Хиндистонга юз тутганда Бобур шеъриятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

Толеъ йўқки жонимга балолиг бўлди,
Хар ишниким, айладим хатолиг бўлди,
Ўз ерин қўйиб Хинд сори юландим,
Ёраб, нетайин, не юз королиг бўлди.

Шу билан бирга Бобур лирикасида шеъриятнинг асосий мазмуни бўлган инсоний фазилатлар, ёр васли, унинг гўзаллиги, унга чексиз муҳаббат, хижрон азоби, айрилиг аламлари ва висол қувончлари нихоят гўзал ва моҳирона ифода этилган.

Хазон япроги янглиг гул юзунг хажрида саргардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух, бу чехраи зардим.

Сен эй гул, кўймадинг саркашлигингни сарвдек харгиз,
Аёгингга тушуб барги хазондек мунча ёлвордим.

Бобур ўз лирик шеърларида хар доим одамларни яхшиликка, адолат, инсонпарварликка, юксак инсоний туйгуларни кадрлашга чакирди:

Хар кимки вафо килса, вафо топкусидур,
Хар кимки жафо килса, жафо топкусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиг харгиз,
Хар кимки ямон бўлса, жазо топкусидур.

Бобур лирик шеърлари ва тарихий «Бобурнома»сидан ташкари, ислом конуншунослиги ва бошка сохаларда хам асарлар яратган. 1522 йилда ўгли Хумоюнга атаб ёзган «Мубаййин» номли асарида ўша замон солик тизимини, солик йигишнинг конун-қоидаларини, шариат бўйича кимдан канча солик олиниши ва бошка масалаларни назмда изохлаб берган. «Хатти Бобурий» деб аталган рисоласида араб алифбосини туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили нуктаи назаридан бирмунча соддалаштириб беришга харакат килган. У, тажриба сифатида «Хатти Бобурий» алифбосида Куръони Каримни кўчирган. Бобурнинг аруз вазни ва кофия масалаларига багишланган «Муфассал» номли асари хам бўлганлиги маълум, бироқ бу асар бизгача етиб келмаган.

Бобур ўзининг маълум ва машхур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз хиссасини кўшган олим сифатида халкимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Академик Азимжанова С, тарих фанлар номзоди Валиева.